

АНДИЖОН ВИЛОЯТИДА ХИЗМАТЛАР СОҲАСИНИНГ РИВОЖЛАНИШИ

Ўзбекистонда мустақиллик йилларида, иқтисодий диверсификациялаш ва таркибий ўзгаришларни чуқурлаштириш, мамлакат аҳолисининг бандлигини, даромадларини ва турмуш сифатини оширишнинг муҳим йўналишлари ва омилларидан бири сифатида хизматлар соҳаси ва сервисни жадал ривожлантириш бўйича тизимли ишлар амалга оширилди. Бундан ташқари, иқтисодийнинг барқарор ўсишини таъминлашда мазкур соҳа муҳим ўринни эгалламоқда.

Мамлакат иқтисодий ривожлантириш ва кучли иқтисодий ривожланган мамлакатлар қаторига олиб чиқишда хизматлар ва сервис соҳасини жадал ривожлантиришни энг муҳим вазифалардан бири сифатида кўрилмоқда.

Хизматлар соҳаси аҳолининг барча қатламларини қамраб олади ва жамиятда содир бўлаётган деярли барча ижтимоий-иқтисодий жараёнларга таъсир кўрсатади, бу эса мазкур масаланинг қанчалик муҳим ва аҳамиятли эканлигини кўрсатиб беради.

Республикамизда иқтисодийга қаратилган кучли эътибор, ишлаб чиқилган чора-тадбирлар барча вилоятлар қатори Андижон вилояти иқтисодийга ҳам ўз таъсирини ўтказмай қолмади.

Андижон вилоятида хизматлар соҳасини ривожлантириш дастурининг асосий вазифалари ва йўналишларини амалга ошириш жараёнида, 2017 йил январь-декабрь ойлари якунида бозор хизматлари ҳажми 6640,9 млрд сўмни, ўтган йилнинг тегишли даврига нисбатан 105,6 фоизни ташкил этди.

2017 йил январь-декабрь ойларида алоҳида хизмат турларининг ўсиши

Масалан, савдо оддий тақсимлаш механизмидан истеъмолчига йўналтирилган бозор талабларини шакллантириш жараёнида фаол иштирокчига айланди. Ҳозирги вақтда, савдо хизматлари иқтисодийда кўрсатилган жами хизматлар ҳажмининг сезиларли 2112,7 млрд сўм қисмини, улуши эса 31,8 % ни ташкил этди.

Алоқа ва ахборотлаштириш хизматлари жадал ривожланиб, хизматлар умумий ҳажмининг 437,2 млрд сўм қисмини, улуши эса 6,6 % ни ташкил этди. Телекоммуникация тармоқлари, компьютерлаштириш ва ахборот технологияларини ривожлантириш ва реконструкция қилиш миллий дастурларининг амалга оширилиши, симсиз телефон алоқаларнинг ўсишига, уяли алоқа абонентлари ва Интернет тармоғига жамоавий уланиш жойлари сонининг кўпайишига олиб келмоқда.


Молиявий хизматлар умумий ҳажмининг 735,3 млрд сўм қисмини, улуши эса 11,1 % ни ташкил этди. Бундай ўсишга, тижорат банкларининг, уларни капиталлаштириш ва молиявий барқарорлигини оширишни ўз ичига олган молиявий фаолиятларини такомиллаштириш натижасида эришилди. Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларини кредитлашнинг такомиллашган механизми, истиқболли инвестиция лойиҳаларини кредитлашни кенгайтириш, шунингдек янги электрон тўлов технологияларини жорий қилган ҳолда молиявий ташкилотларнинг ҳудудий тармоқларини кенгайтириш молиявий хизматларнинг ўсишига таъсир кўрсатган бошқа омиллар бўлди.

Соғлиқни сақлаш тизимининг ислоҳ қилиниши, юқори технологик тиббий ёрдам кўрсатиш бўйича тиббий хизмат кўрсатиш даражасининг оширилиши, соғлиқни сақлаш амалиётига илғор чет эл тажрибаларини кенг жорий этилиши соғлиқни сақлаш соҳаси хизматларини 86,4 млрд сўмни, улуши эса 1,3 % ни ташкил этди.

**Иқтисодий фаолият турлари бўйича
бозор хизматлари ишлаб чиқариш
(2017 йилнинг январь–декабрь ҳолатига)**

	<i>млрд. сўм</i>	<i>ўсиш суръати, фоиз ҳисобида</i>	<i>умумий ҳажмга нисбатан фоиз ҳисобида</i>
Жами – хизматлар	6640,9	105,6	100,0
<i>жумладан асосий турлари бўйича:</i>			
алоқа ва ахборотлаштириш хизматлари	437,2	114,2	6,6
молиявий хизматлар	735,3	124,6	11,1
транспорт хизматлари	1799,8	102,9	27,1
<i>шу жумладан:</i>			
автотранспорт хизмати	1735,2	102,2	26,1
яшаш ва овқатланиш хизматлари	113,2	103,9	1,7
савдо хизматлари	2112,7	99,9	31,8
қўчмас мулк билан боғлиқ хизматлар	227,1	103,9	3,4
таълим соҳасидаги хизматлар	290,6	122,7	4,4
соғлиқни сақлаш соҳасидаги хизматлар	86,4	112,2	1,3
ижара хизматлари	152,7	100,3	2,3
компьютерлар ва маиший товарларни таъмирлаш бўйича хизматлар	191,4	101,3	2,9
шахсий хизматлар	307,0	101,4	4,6
меъморчилик, муҳандислик изланишлари, техник синовлар ва тахлил соҳасидаги хизматлар	30,7	110,8	0,5
бошқа хизматлар	156,8	108,8	2,3

2017 йил январь-декабрда бозор хизматлари ишлаб чиқаришнинг иқтисодий фаолият турлари бўйича таркиби



Вилоятда янги иш ўринларини ташкил этиш, инвестиция, солиқ, пул-кредит ва илмий-техник сиёсатни такомиллаштириш ҳамда янги ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланган ҳолда кичик бизнесни ривожлантириш орқали иқтисодиётнинг янада барқарор ўсишини таъминлаш, бозор хизматларининг тармоқ тузилмасида сифатли таркибий ўзгаришлар қилиш имконини беради.

Андижон вилоятида хизматлар ишлаб чиқариш ва истеъмол қилишнинг аниқ ҳамда режали тузилмасини шакллантириш, кўрсатилаётган хизмат турлари сонини кўпайтириш, аҳоли турмуш даражаси ва сифатини янада оширилишида асосий омил бўлиб хизмат қилади.

2017 йил январь-декабр ойлари якуни бўйича транспорт соҳаси кўрсаткичлари

Юк ташиш. 2017 йилнинг январь–декабрида барча турдаги транспортлар томонидан 45,0 млн. тонна юк ташилган бўлиб, бу 2016 йилнинг январь–декабрига нисбатан 105,8 % ни ташкил қилди. Шу билан бирга юк айланмаси 770,2 млн.тн–км.ни ташкил қилди ёки 2016 йилнинг январь–декабрига нисбатан 108,7 % га ўсди.

Транспорт турлари бўйича юк ташиш ва юк айланмаси

	2017 йил январь-декабрь	2016 йил январь-декабрга нисбатан фоиз ҳисобида
Ташилган юк, млн. тн	45,0	105,8
<i>шу жумладан:</i>		
автомобил транспортида	45,0	105,8
Юк айланмаси, млн. тн-км		
<i>шу жумладан:</i>	770,2	108,7
автомобил транспортида	770,2	108,7

Якка тартибдаги тадбиркорларнинг автомобил транспортининг юк айланмаси 2016 йил январь-декабрга нисбатан 107,0 % га кўпайди ва 428,1 млн. тн-км. ни ташкил қилди. Юк айланмасининг умумий ҳажмида хусусий юк ташувчиларнинг улуши 55,6 % ни ташкил этди (2016 йил январь-декабрда 60,0 %).

Йўловчи ташиш. 2017 йил январь-декабрда барча транспорт турлари томонидан 659,6 млн. киши ташилган бўлиб, бу кўрсаткич ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 101,5 фоизга кўпайган. Йўловчи ташиш айланмаси ушбу даврда 102,2 % га кўпайиб, 11541,9 млн. йўловчи-км. ни ташкил қилди.

Хусусий йўловчи ташувчилар автомобил транспортида йўловчи айланмаси 2016 йил январь-декабрга нисбатан 102,3 % га кўпайди ва 10632,6 млн. йўловчи-км. ни ташкил қилди. Йўловчи айланмасининг умумий ҳажмида хусусий йўловчи ташувчиларнинг улуши 92,1 % (2016 йил январь-декабрда 92,0 %)ни ташкил этди.

Транспорт турлари бўйича йўловчи ташиш ва йўловчи айланмаси

	2017 йил январь-декабрь	2016 йил январь-декабрга нисбатан фоиз ҳисобида
Транспортда ташилган йўловчилар, млн. киши	659,6	101,5
шу жумладан, автомобил транспортида:	659,6	101,5
Йўловчи айланмаси, млн. йўловчи-км	11541,9	102,2
шу жумладан, автомобил транспортида:	11541,9	102,2

Транспорт фаолиятининг асосий кўрсаткичлари

